



# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 32 (65859)  
1995 йил, 29 август, сешанба

Сотувда  
эркин нархда

## Шуғилган еринг — Ватанинг



**МУСТАҚИЛЛИК НИМА БЕРДИ?**

— Бизда нима йуқ булса — шунни берди: Осмонда Ўзбекистон номини олиб, байроқларимизни хилпиратиб, самолётларимиз учиб юрибди. Хавода узбеклар яшайдиган мамлакат борлигини айтиб, узбекча куйлар, куншиқлар янграб турибди. Ер қуррасининг қаерига борманг, дунё халқлари «Ўзбекистонданман», деб айтсангиз бас, дарҳол тушунишади: Ибн Синолар, Ал-Хоразмийлар, Беруний ва Бобурлар юртидан эканлигинизни! Эрта-индин Асакаю Хоразмда, Тошкенту Самарқандда ишлаб чиқарилаётган машинаю ноёб қурилмаларни сотиб олиш учун ушалар навбатда туришади. Ҳозир эса билим олаётган ижоди, иқтидори билан жаҳон халқларини ҳам ҳайратга солаётган тенгдошларингиз билан фахрланиб турсак ҳам булар-у, аммо... Қулга киритилаётган ютуқлар — узимизники. Аҳиллигимиз, тинчлигимиз барқарор экан, омад ҳамisha бизга ер булиши аниқ. Ватанпарварлик, халқпарварлик, юксак билим ва оталар ишига садоқат ҳамisha ҳамроҳимиз булсин учун, атрофга теран назар солайлик.

1900 йилларда В. А. Хавкин улат касаллигидан қирилаётган ҳинд халқига ердан беришга бел боғлади. Буниг учун шу касаллик микробларини узига юктириб, тажриба қилди. Одамлар уни бундай хавфли ишдан қайтармоқчи булганларида ҳайвонлар устидан тажриба утказиб утиришга ҳозир фурсат йуқ. Атрофда минглаб жонлар ҳаётдан куз юммоқда, деб хитоб қилди. Узи ениб, узгаларга нур берган. Н. Гастелло 1941 йил 26 июлда ениб турган самолётини душманнинг қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникаси тупланган жойга йуналтирганини, оддий аскар Матросов эса 1943 йил 23 февралда душман амбразура-сини уз танаси билан беркитиб, жонини фидо қилганини ким билмайди? Уларни бундай жасоратга нима мажбур этди? Албатта, Ватан меҳри, она тушроқ муҳаббати! Тугилган еринг — Ватанинг,

Толиб йўлдош.

### ҚУШЛУҒ БАЙРАМ

Бугун байрам — мустақиллик  
Кунин тўрт йиллиги болам.  
Шодликларга тўлиб бизни,  
Табриқлайди бутун олам.  
Мустақиллик ўзи нима?  
Бобосидан сўрар Жаббор.  
Бобоси дер: — шу бир сўзда,  
Бўталогим, талай гап бор.  
Кекса ёшнинг фикри, ўйи,  
Фақат шу сўз десак бўлар,  
Биз мустақил бўлдик, нонни,  
Қаймоқ билан есак бўлар.  
Етқизгани учун шукур,  
Кутганимиз келди бугун,  
Ахир рўй-рост ечилди-я,  
Асир йиллик чигал тугун.  
Жаббор хурсанд бобосининг  
Гапларидан ўйнаб кетар,  
Кўнгли ўсиб у ўзича,  
Нималардир ўйлаб кетар  
«Ажаб дунё» дея бобо,  
Гапни гапга улардилар,  
Нималардир эслаб яна,  
Ўзларича кулардилар.  
— Мустақиллик деб авваллар,  
Кўзимиз тўрт, етолмасдик.  
Дармонимиз қуриб бир ҳол,  
Дардимизни етолмасдик.  
Орзу қуруқ гапличча,  
Қолар эди бўғзимизда.  
Сабаб, ҳеч бир иложимиз,  
Йўқ эди-да, ўзимизда.  
Ҳа, қўлимиз қисқа эди,  
Қарам эдик, бизлар шўрлик,  
«Бош ёрилса, бўрк ичида»  
Киши билмас, зўрлик, хўрлик:  
Энди болам, вақти-бевақт,  
Чўзган ерга етар қўлинг,

Ўз халқига содиқ фарзанд,  
Жасур, ақл-хушли бўлинг.  
Мустақиллик шундай, ақил —  
Иноқлик денг ҳаммадан ҳам.  
Бир мағизни қирққа бўлиб,  
Ўртада тенг кўрмоқ баҳам.  
Мустақиллик, бу — ҳалоллик,  
Поқлик кўзим, кўп улуг гап.  
Меҳру шавқат, фидоийлик,  
Дер бобоси сабри тугаб.  
Минг тил билан ҳатто уни,  
Таърифини айтиш қийин,  
Ҳали ёшсан, бора-бора,  
Тушунарсан буни кейин.  
Йил бўйига меҳнат қилиб,  
Роҳатини кўролмасдик.  
Экиб, тикиб, абгорликда,  
Ҳосилини ўролмаслик.  
Чигирткадек ёпирилиб,  
Балохўрлар қуритарди,  
Биздақларнинг кўз ёшидан,  
Тегирмонин юритарди.  
Энди мана бир тан, бир жон,  
Меҳнат нонин бирга еймиз.  
Муқулларда куч ўйнайди,  
Яша мустақиллик! — деймиз  
Кундан-кунга эл юрт обод,  
Мамнун яшар фароғатда.  
Тани соғли, хотиржамли,  
Суюқлар тинч — жон роҳатда.  
Орзу ҳавас тўй-ҳашамдан  
Ҳар эшикда келди-кетди.  
Толемдан ўргилай деб,  
Яшаилликнинг вақти етди.  
Жаббор қутлуғ байрам нима,  
Қандайлигин билиб олар,  
Бобожонин айтганларин,  
Қулоғига илиб олар.



### БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Америка Қушма Штатларининг президенти Уильям Ж. Клинтон юртбошимиз Ислам Каримов номига мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги муносабати билан табриқнома йулади.

\*\*\*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таълим, фан ва маданият билан шуғулланадиган ташкилоти — ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор Ўзбекистонга расмий ташриф билан келди.

\*\*\*

Пойтахтимизда Ҳиндистоннинг «Тата проджекте лимитед» қурилиш фирмаси бунёд этган янги меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

\*\*\*

Жиззахда керамзит ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди.

\*\*\*

Фаргона вилоятининг Тошлоқ ва Бағдод туманлари пахтакорларининг биринчи «оқ олтин» карвонлари йулга чиқди.

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида қирғиз халқининг қадимий достони — «Манас»нинг 1000 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб утди.

### • Мухаррир минбари

Ватанинг — номусинг экан, уни обод қилмоқ, гуллаб-яшнашга ҳисса қўшмоқ орзуси, бугунги кунда «мустақиллик бизга нима берди» деб эмас, балки «биз унга нима бераймиз», деб яшашга ундайди.

Қалбни даволамай туриб танани даволаб булмаганидек, ҳар ким уз вазифасини бажарса, уз ишига ижодий ендониса, узлигини таниса ва тан олдира — олам гулистон.

Одам бўлиб туғилган эканми, яратувчи, мутлақ голиб инсон эканми, гулистонга айланган мамлакатда яшашга ҳақлимиз.

Энди йулга кирган болакайга разм солганмисиз? Туфличасининг боғичини узим боғлайман, тугмачани узим қадайман, дейди. Нонуштами узим қилай, қуйлагимни узим кияй, деб туриши ҳам эрққа, озодликка, мустақилликка ишора эмасми? Ана шу «узим» сўзида узлик бор ишонч бор, келажак бор. Эндигина йулга кирган, янги манзиллар, юксак давонларни кузлаб турган мустақил мамлакатимизнинг одимлари залворли, қадамлари қутлуғ булиши учун, келинлар, чиндан ҳам ҳаммамиз уз вазифамизни бажарайлик!

Буюк ишлар ваъда қилмай туриб, буюкликлар яратиб қуйган ота-боболаримиз ер юзиде барча шодликлару яхшиликларнинг манбаи МЕХНАТ эканлигини билганлар. Ҳаёт чирогига ёр қуйдиган, тафаккур билан ёришадиган МЕХНАТга билим олмоқда ҳам, ижод қилмоқда ҳам, яратувчанликлари билан оламда мангу қолмоқда ҳам ошно булганлар. Ватан ободлигида, одамлар шодлигида, билимдонликнинг, меҳнату ғайратнинг ҳиссаси бекиёс экан, келинлар, шу уч дустнинг кучидан унумли фойдаланиб, мамлакатимизни гулистон қилайлик.

Ғайрат: Мен тухтамай жадал юрдим, дер,  
Меҳнат: Экканимни барвақт тердим, дер,  
Билим: Мушкулларни тез едилдим, дер,  
Уч дустнинг кучидан улқа баҳра ер.

## Ватанинг — номусинг

## ЕТТИ ЁШГА ЕТДИК БИЗ...

Қандай қилиб боғчага етиб борганимизни ҳам билмай қолибмиз.

— Келинлар, келинлар, меҳмонлар, хуш кўрдик, — илиқ қаршилади бизни Шайхонтохур туманидаги 320-боғча тарбиячиси Фазилат опа Шукурова.

Забихилла-нинг гапи булинди. Боғча опа Фазилат Шукурова суҳбатимизга қўшилди:

— Тунов куни Мустақиллигимизнинг 4 йиллиги байрамига атаб боғчамиз кичкинтойлари Жарариқ маҳалласи кексаларига катта концерт дастурини намойиш этишди. Ушанда ҳам Забихилла кўшиқ куйлаб, отахону онахонларимизни хушнуд этганди.

— Ана, мудира опамиз саҳнага чиқдилар, — чуғуллашди болалар Доктор Войжонимга ишора қилиб.

— Ия, Доктор Войжоним мудира опангизми? Ҳа, чиндан ҳам саҳнадаги Доктор Войжоним боғча мудираси Тамара опа Эргашева экан. Улар айқполволларни аччиқ дори бериб: «даволади»лар. Чунки

қулоқсиз айқполволлар ювилмаган хўл меваларни «мазза қилиб» ейишган эканда. Саҳнадан тушган «Доктор Войжоним»ни — Тамара опани суҳбатга тортидик:

— 70 нафар уғил-қизимиз бор. Улар уч гуруҳда тарбияланадилар. Боғчамизда барча шарт-шароитларимиз етарли. Сўнгги 3-4 йил ичида болалар орасида юқумли касалликлар умуман қайд этилмади. Боғчамизни оталиққа олган «Кундуз» хиссадорлик жамияти, маҳалламиз фаоллари яқиндан бераётган қўмакларидан миннатдормиз.

Бу йил 18 нафар кичкинтойлар наққошлик, дурадгорлик, тикувчилик, тўкувчилик, тасвирий санъатга ихтисослаштирилган ўзбек миллий коллежига ўқишга чиқадилар. Улардан умидимиз катта...

Етти ёшга етдик биз,  
Бизлар катта боламиз.  
Қувнаб-яйраб ўсдик биз,  
Энди билим оламиз, — дея гоҳ қувноқ кўшиқ куйлаб, гоҳ кўз ёши қилиб турган кичкинтойларга биз ҳам омадлар тилаб қоламиз.

Парвозингиз янада юксак бўлсин, полапонлар!

**Феруза ОДИЛОВА.**

Суратларда: 320-боғча тарбияланувчилари боғча опалари даврасида.

**Р. АЛЬБЕКОВ** олган суратлар.



Забихилла исмли бир болақайни биланман. Узи ўт-олов, ҳар нарсага қизиқувчан. Унинг саволларини айтмайсизми?

- Бу нима?
- Буми, осмон.
- Нега осмон?

Қани жавоб топиб кўринг-чи. Хуллас, ана шу маҳмадона болақай бизни боғчаси сари етаклади. Бугун уларда байрам, эрталик бўлар экан.

Бора-боргунча тинмай гапириб борди: беш маҳал намоз ўқиши, онаси олиб берган янги портфели, мактаб формасининг жуда ярашганлиги, мактабда ҳам ҳаммадан яхши ўқиш ниятида эканлиги...



### • Болаларга қайғурмоқ — келажакка қайғурмоқдир

## ҲАР СИЊФНИНГ ЎЗ ЭҒАСИ БОР

Бир суҳбатдошим фарзандидан нолиб қолди: «Елғизгина ўғлимнинг тарбиясидан хавотирдаман. Уртоқлари шухроқ болалар. Шунинг учун ҳам мактабини узгартирсам, 40-мактабга ўтказсам, дегандим. Уша мактабни жуда мақташадилар...»

Унинг гапларига қизиқиб қолиб, 40-мактаб сари йўналдик. Ёзги таътил кунлари эмасми, мактаб ҳовлиси жим-жит. 2-3 киши боғдаги мевали дарахларни сўғориш, буюқдан чиққан парталарни синф хоналарига жойлаштириш билан овоза. Мактаб директори Баҳодир ака Каримов ҳамроҳлигида билим масканини айланиб чиқдик. Мактаб янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилган. Синф хоналари, йулкаларни юқори синф ўқувчилари ота-оналар кўмагида таъмирдан чиқаришган. Ҳар бир синф хонаси деворларига суратлар ишланган ва ҳеч бирининг безаги бир-бирини такрорламайди. Шундай синфлардан бирининг номини «Абдулла Қодирий» синфи деб номлашибди. Синф деворларига ишланган Абдулла Қодирий ҳамда унинг сафдошлари суратлари ажойиб табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетган. Шу синф ўқувчилари шoirнинг ҳаёти, ижоди, фаолияти мудҳиш тақдирга оид ҳужжат ва материаллар ҳам тўплашган. Бобур, Улғибек каби буюқ мутафаккирлар номлари билан аталувчи синфлар ҳам узгача жидлоланади. Куйи синф ўқувчилари таҳсил оладиган синф хоналарида эса турли қизиқарли эртак қаҳрамонлари ўз аксини тошган. «Уч оғайни ботиқлар», «Маугли», «Ур тўқмоқ», «Фил бидан хўроз», «Тойчоқ ва бури» каби эртаклар асосида безатилган синф хоналарида кичкинтойлар узларини муъжизалар оламига тушиб қолгандек

ҳис қилишади. Бундай ажойиб сурат-лавҳаларни расм тугараги раҳбари Собиржон Бегматов, Мирфаез Абдуфаттохов ҳамда уларнинг умидли шоғирдлари чизишгани бизни қувонтирди. Муҳими, бундай синфларнинг уз эгалари бор. Маълумки, деярли барча мактабларимизда ўқувчилар хонама-хона кучиб, кабинет системасида дарс ўтишадилар. Баҳодир акани ўқитувчилик йиллариданоқ ана шу нарса ўйлантириб келарди. Хонама-хона кучиб юрилганда синф хоналарини ифлослантириш, девор ва парталарга турли одобсиз сўзларни ёзиб қолдириш ҳоллари кўп учрайди. Айбдорларни эса кундузи чироқ ёқиб ҳам тополмайсиз. Энг муҳими, ўқувчиларнинг бир-бирларига булган ишончи йўқолади. Бу мактабда эса кабинет системасидан воз кечилган. Ўқувчилар синф хоналарни худди уз уйларидек озода сақлайдилар. Деворларига суратлар ишланган синф хоналари мана уч йилдирки, таъмир қилинмайдилар...

Мактабда 1200 дан зиёд ўқувчи 3 та гуруҳга бўлинган ҳолда билим оладилар. Биринчи гуруҳ-тайёрлов гуруҳларига тайёрлов гуруҳлари — бошланғич синфлар, иккинчи гуруҳ-тайёрлов — 5, — 6, — 7-синфлар, учинчи гуруҳ-лицей синфлари — 8, — 9, — 10, — 11-синфлар. Лицей синфлари 4 хил йўналиш — математика, информатика (амалий математика), ўзбек тили ва рус тили йўналишлари буйича ўқитилади. Бундай синфларга ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Бошқа жойлардагидан фарқи улароқ бу мактабда тест синовлари сўнггида ўқувчилар ёзма тарзда ҳам имтиҳон тошпиришар экан. Синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчиларгина лицей синфларига қабул қилинадилар. Уларга Тошкент Давлат дорилфунуни, Малака ошириш

олийгоҳи ҳамда педагогика олийгоҳидан олий тоифадаги малакали ўқитувчилар келиб дарс ўтишади. Натижалар эса қутилгандан ҳам зиёда. Лицей синфлари ташкил қилинганига 4 йил булган булса, биринчи йили 51 ўқувчидан 28 нафари, келаси йили 44 ўқувчидан 38 нафари, 1993-1994 ўқув йилида эса 24 ўқувчидан 23 нафари олий ўқув юрларига ўқишга киришди. Амалий математика гуруҳида таҳсил олган ўқувчилар оператор ва дастурловчи, тил ва адабиёт гуруҳини томомлаганлар эса ўзбек умумтўз адабиёти ва рус тили ихтисослиги буйича мутахассисликларни эгаллашади. Ўқувчилар дарслардан кейин ҳам бўш қолиб, зериктирмайдилар. Тасвирий санъат, нақш, расм, жонли табиат, улқашунослик тугараклари, математика, адабиёт, инглиз тили, Ўзбекистон тарихи, рус тили каби фан тугаракларида шугулланадилар. «Правец—8а», «Куйт Ямаха», «АВМ» компьютерлари билан жиҳозланган информатика ва ҳисоблаш техникаси хоналарида машғуллатор утишади.

— Шароитларимиз ҳавас қилса аригудек, — дейди Баҳодир ака, — лекин ечимини кутаётган муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Мактабимиз лицей эмас, лицей синфи мактаб. Чунки ҳали умумий мажбурий таълим системасидан чиқиб кета олганимиз йўқ. Бу эса ўз-ўзидан лицей синфларга ўқувчилар танлаш имкониятларимизни чегаралаб қўймоқда. Умумий мажбурий таълим системасидан чиққан одам, имкониятларимиз янада кенгайрди. Синф хоналари дарслардан кейин бўш бўлиб, иктидорли ўқувчиларимизнинг қўшимча машғуллотлар утишлари учун шароитлар яратиларди. Яна бир қанча йўналишлар буйича синфлар ташкил қилиш имкониятига ҳам эга булардик.

Муаммоларимиздан яна бири — мактабимиз қурилганига 60 йилдан ошди. 25 йилдан буён капитал таъмирлаб беришмайди. Ҳар гал «мактабингизнинг аҳволи яхши» дея важ кўрсатишади.

Уйлашимча, бирон мактабга янги тизим мактаби мақомини беришдан аввал халқ таълими вазирлиги, шаҳар, туман бўлимлари уша мактабга жиддий эътибор бериб, моддий техника базасини, ўқувчилар жамоаси савияси, имкониятларини эътиборга олган ҳолда ёндошишса яхши буларди.

Қолаверса, ўқувчилар билимини баҳолашда республика буйича стандарт меъёр ҳақида

ҳам уйлаб куриш лозим, деб ҳисоблайман. Ваҳоланки, умумий мажбурий таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг ҳам, лицей синф ўқувчиларнинг ҳам билимлари бир хилда баҳоланадигани.

Уғил-қизларимизнинг дунёвий билимлар билимдонли, уқтам ва зукко ёшлар бўлиб этишишлари учун бор куч-ғайратини аямаётган Баҳодир аканинг таълим-тарбия хусусида кўюниб айтган гапларида жон бор.ZERO, фарзандларимиз учун қайғурмоқ, келажакка қайғурмоқдир. Бир мактабнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб қайтар эканмиз, ана шулар ҳақида уйлардик.

**Феруза ЖАЛИЛОВА,**  
Тошкент шахри.

## ҒОЛИЧЛАР АНИҚЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитаси утказган, мустақиллигимизга бағишланган энг яхши асарларнинг «Истиқлол янги давр, янги қаҳрамон» курик-танлови якунланди. Унда истиқлол, мустақилликни мустақамлашга қаратилган, инсонийлик, ватанпарварлик, анъанавий шарқона тамойиллар асос қилиб олинган насрий, шеърый, таржималар, бадий публицистик янги асарлар қабул қилинди. Курик-танловда таниқли ижодкорларимиздан тарихчи олим, академик Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» тарихий романи, Нажмиддин Комилловнинг «Нажмиддин Кубро» рисоласи, Ушқун Назаровнинг «Ёнғин» қиссаси, Хуршид Дустмухаммаднинг «Тухтабойнинг бойликлари» ҳикояси, Бахтиёр Омоннинг Хитой адаби Лао Шэ ижодидан қилган «Мушуклар салтанати» романи таржимаси, Тура Сулаймоннинг «Ёв қочди» достони, Абдулла Шернинг «Тоқат» шеърый тўплами, Неймат Аминнинг «Бир аср ҳикояти» асари, Назрулла Жураевнинг «Уйғоқ нигоҳ» публицистик мақоалари голиб деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кумитаси, Халқ таълими вазирлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда утказган «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» курик-танлови ҳам якунланди. Курик-танловга ватанпарварлик, қаҳрамонлик ва инсонпарварликни шарафлашга бағишланган қизқарли болаларбоп тилда ёзилган янги асарлар қабул қилинди. Унда ижодкорлардан Сафар Барноевнинг «Нилуфарнинг олмалари», Ж. Субҳоннинг «Какку ҳақида эртақ», Н. Орифнинг «Кичик шифокор», П. Муминнинг «Чаққон бола — ёққан бола», В. Аҳмаджоннинг «Гулҳуморнинг гулбоғи», О. Улуғовнинг «Ноннинг увоғи ҳам нон», Р. Толибнинг «Ҳамма ҳайрон», Е. Хужаевнинг «Ушелье спящего дракона», У. Қўчқорнинг «Чамангул», А. Обиджоннинг «Алишер ила Хусайн», А. Собиржоннинг «Тулканинг гаройиб саргузаштлари» асарлари голиб чиқди.

Ғолибларга пул мукофотлари топширилади.

Мазкур асарлар бир йил ичида китоб ҳолида нашр этилади. Ғолибларни табриқлаймиз!



— деди Ҳасан дарҳол онасининг кўз ёшларига кўзи тушиб. — Куладиганидан айтинг.

Оминахон опанинг чеҳрасига дарҳол табассум югурди-ю, шух терма бошлади.

**Аканг келди, деганда, аканг келди, Хўрозларнинг ичида даканг келди.**

**Қизиқ-қизиқ ўландан айт, ўзбек қизи Тараф бўлиб айтмоққа поччанг келди.**

Бирданига ҳамма қувониб, кулиб, шодланиб, бир-бирларини кучиб олишди.

Орадан йиллар утди. Қуларнинг бирида Абдуманнон ака мулоҳаза билан гап бошлади.

— Онаси, сиз ўқитувчисиз, мен шифокор, авлод-ажлодимишдан санъаткор чиқмаган. Назаримда Ҳасан-Ҳусанлардан

Ака-укалар мусиқа билим юртини битиргач, 1982 йилда театр институтига ўқишга киришди. Орадан бир йил утиб, армия сафига кетишди. 1985 йилда эса ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, «Наво» гуруҳини қайтадан тиклашга киришди.

Бу гуруҳ эл орасида анча танилган эди. Айниқса, уларнинг Кумуш Раззоқова билан ҳамкорликда айтган «Қошинг қаро, қаро кўз», «Сой буйида», «Ёр-ёр» қушиқлари ҳатто кичикинтойлар орасида ҳам севиб ёд олинган. Бироқ ҳаётда нима-лар булмайдди дейсиз. 1992 йили Ҳасан Жўраев ошқозон касалига мубтало бўлиб, икки йил ижод билан шуғуллана олмади. Ҳусан Жўраев ҳам уз навбатида акасининг дардида юрагига қил ҳам сиймайдиган бўлиб, касалхонадан бери келмай қўйди.

ўргуламан

**Ялламда омон-омон.  
Давр биз билан,  
Даврон сиз билан  
Биз биландир шухрат-шон.**

Дарвоқе, санъаткорларнинг жонажон дусти, ҳамкори Андрей ҳақида икки оғиз суз. Улар беш йилдан буён ёнма-ён ишлашади. Моҳир мусиқачи синтезатор билан ун хилдаги дилтортар товушни бемалол чиқара олади, яъни бир узи ун нафар мусиқани томошабинга етказа олади. Бунга Андрейнинг ўзбек халқ миллий куйлари, тили, урф-одатларини яхши қургани, билгани, қолаверса, инглиз тили, инглизларнинг мусиқа техникаси тилини яхши билганлиги сабабдир. Шунинг учун ҳам улар ҳамкорлигида яратилган «Она мадҳи»,

## Ҳасан - Ҳусан Жўраевлар

Кечгача тус-туполон билан кучада уйнаган Ҳасан-Ҳусанлар кечга бориб уйга негадир оғир-босиқ ҳолда киришди. Айниқса, Ҳасан ювиниб-овқатланишни ҳам насия қилиб етиб олди.

Бу ҳолга дарров эътибор берган онаизор югуриб келиб, утилчасининг пешонасига қулини қўйди. Иссиқ... Она-да, худди фарзандини ҳозир йўқотиб қўядигандек довлдиради, «тез ёрдам» чақириб, унғача узи турли дори-дармон қилди.

Орадан икки соатлар чамаси вақт утганда Ҳасан бир текис нафас олиб ухламоқда эди. Ҳусан бўлса товуш чиқармай йиғларди. Бу орада эгизакларнинг отаси, шифокор Абдуманнон ака ҳам ишдан қайтди. Углининг томир уриши, ҳароратини кузатди, упкасини «эшитиб» кўрди.

— Бироз иссиқ таъсир қи-

либди. Овқат ейишни ҳам эрдан чиқариб копток тепавергансизлар-да, — койиб гапирган булди Ҳусанга.

Оминахон опа билан Ҳусан ҳамон беморнинг олдидан нари кетишмасди.

— Ойижон, алла айтиб беринг? — деди бир маҳал анча тетикланиб қўзини очган Ҳасан.

Она углининг мақсадига дарҳол тушунди. Чунки у узоқ-узоқ қиш кечалари Ҳасан-Ҳусанларни ёнига олиб дostonлардан, халқ термаларидан хиргойи қилиб берар, қушиқлар орасида оғир-мунглилари ҳам, шухчан, рақсбонлари ҳам буларди. Болалар мунгли қушиқларни узларича «алла» деб аташарди.

Шу тобда она аллани бошлади-ю, дилбандининг бетоб бўлиб қолганиданми ёки қушиқ оҳанги таъсириданми кузларига ёш қалқди.

— Керакмас, алла айтманг!

бирор нарса чиқиб қоладигандек. Уларни мусиқа илмгоҳига олиб борсам дедим.

Оминахон опага бу гап ниҳоятда маъқул тушди. Чунки онанинг узи ҳам болаларига ёшлиқдан халқ термаларини қунт билан ургатар, болаларида ҳам уз навбатида мусиқага, айниқса, халқ қушиқларига бошқача меҳр борлигини сезиб юрарди.

— 1974 йилда Глиэр номидаги мусиқа билим юртига кирдик, — хотирлашади Ҳасан-Ҳусанлар. — Бунгача мактабда бизга рубобдан сабоқ берган ардоқли устозимиз Адҳамжон Шокиров эдилар. Илмгоҳда эса бизга ҳам билим, ҳам тарбия, ҳам меҳр берган истеъдодли бастакор Комил Кенжаев, Жаҳонгир Иброҳимов, Фаррух Мирусмонов, Раъно Ҳайдарова, Ботир Қодиров, Убайдулла ака, Олим ака, Абдурауф ака ва бошқа устозлардан чин юракдан миннатдормиз.

Шундай қилиб ҳамкорлик ҳам уз-узидан тухтаб қолди.

— Кумушойнинг истеъдодли санъаткорлиги, одамийлиги, дустлигига гап йўқ, — дейишади Ҳасан-Ҳусан Жўраевлар. Биз бундан буён ҳам самимий дустлигимизча қоламыз.

Ҳозир «Наво» гуруҳи раҳбарлари Ҳасан-Ҳусанлар, мусиқа раҳбари, синтезатор чолғуси устаси Андрей Шалманов (Адирбек Шодмонов), санъаткорларга халқ термаларидан топиб айтиб берувчи устозлари, ҳам да оналари Оминахон опалар ҳамкорликда ижод қилишмоқда. Улар Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 4 йиллик туйига янги дастур тайёрлашди. Дастурдаги қушиқлардан бирида шундай сатрлар бор:

**Жонон замон, жон замон,  
ўргуламан  
Жондан ортиқ жонажон  
Айтишимга бор имкон,**

«Ёр-ёр», «Ҳа, буйлариндан Ҳасан аканг ўргулсин», «Райҳон» сингари халқ қушиқларини қайта ишланган (оранжировка қилинган) ижроси барчага маъқул бўлмоқда.

«Санъаткорнинг куни сафарда утади» дейишади. Ҳасан-Ҳусанлар бугун яна сафардан қайтишди. Падари бузрукворлари, волидаи муҳтарамалари ҳузурига йул олишди. Меҳрибон оналарига кузлари тушгани ҳамон одатлари буйича кучоқ очиб, жилмайиб келишди. «Халқ қушиқларидан айтинг, онажон» дейишди хушхандонлик билан.

Она ҳам уз одатига қура фарзандларига атаб топиб қуйган халқ термаларидан айтиб берди.

Турсуной СОЛИЕВА.

## «МЭЭРИМ» — МЕҲР-ШАФҚАТ ДЕГАНИ

ёки Қирғизистондаги қувончли кунлар

«Дунё болаларига Манас ҳақида». Ушбу шиор остидаги халқаро фестивал хушҳаво Иссиққул буйида ўтказилди. Унга Майрам Акаева раҳбарлигидаги «Мээрим» хайрия жамғармаси ташаббускор булди. Анжуманда Қирғизистон, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон, Россия, Туркия, Япония ва Америкадан келган болалар иштирок этдилар.

Шуниси қувончлики, фестивалда Нодира Курбонова раҳбарлигидаги «Томоша» фольклор театр-студияси ҳам муваффақиятли қатнашди. Уларга «Марказийосиётранс» корпорацияси, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ҳомий булдилар. Биз «Томоша» ижросидаги миллий қушиқлар, рақслар томошабинларни қувонтириб, ҳайратга солганидан ниҳоятда фахрландик.

Фестивалнинг очилишида Майрам Акаева «Иссиққул сизларга бахт, омонлик ва илҳом келтирсин!» дея барча меҳмонларга муваффақиятлар тилади. Айтгандай, «Мээрим» жамғармаси ана шу тантанали кунларни «Халқлар дустлиги куни» деб эълон қилишга истак билдирди. Ахир «Манас» эпоси ҳам инсонларни аҳилликка, бирдамликка, биродарликка чақиради-да.

Айтишларича, Манаснинг умр йулдоши Кониқей тожик қизи булган экан. Анжуманда донишманд Кониқей тимсолини Тожикистон халқ шоираси Гулруҳсор Сафиева яратди.

Дустлик тadbирининг сунити — ёпилиш маросимида дипломатия корпуси вакиллари маданият ва фан арбоблари қатнашдилар. Қирғизистон президенти Асқар Акаев купсонли беллашувлар голибларини манасшунос, рас-

сом, раққослар ҳамда республиканинг Олтин китобига номлари ёзилган уч нафар мусиқачи болаларни табриклади. Маросимда томошабинлар ўзбек болалари ижросида қирғиз халқ куйи ва қушиқларини тинглаб мамнун булдилар.

• Буюк эпос — «Манас»нинг 1000 йиллигига

Фестивал доирасида Майрам Акаева ўзбек делегациясининг вакиллари меҳмондустлик билан УТОВ да кутиб олиб, теплоходда сайр қилишга таклиф этди.

Шундай қилиб, анжуман ташкилотчилари уз эзгу

ниятларига етдилар, яъни дунё халқларини яқинлаштириш учун яна бир муқаддас қадам қўйилди. Бунга буюк эпос — «Манас» сабабчи булди.

УЛФАТ

Суратда: Фестивал кунда.



## БОЗОРНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

Ушбу рунк остида иқтисод лугати ва мактуб эълон қилишимиз ҳамоник муҳарририятимизга хатлар кела бошлади. Баъзи газетхонлар эса кунгироқ қилиб, фикр мулоҳазалар билдиришди. «Мен Озоднинг хатига фикр билдиришмоқчиман, — деб ёзади марғилонлик Бахтиёр ака Маматов. — Майли, болалар ҳам ишбилармонлик, тадбиркорлик билан шуғуллансинлар. Лекин улар ўқишни бир ёққа йиғиштириб қуйишмасин-да. Ҳар бир нарсанинг ҳам қонун доирасида, инсоф ва диёнат билан, меъёр тарозусида ўлчаб қилингани маъқул».

Энди эса иқтисодий атамалар ҳақида тушунча беришда давом этамиз. Мабодо сиз уларни кичик бир

дафтарчага ёзиб, куринадиган жойга қўйсангиз, фойдадан ҳоли бўлмасди.

ДИВИДЕНТ — ҳиссадорлик жамияти соф даромаднинг пайчилар (ҳиссадорлар) ўртасида улар қўлидаги акцияларга мувофиқ бўлинадиган қисми. Дивидент ҳажми акция турига қараб ҳар хил бўлади. Оддий акцияларнинг эгалари жамиятнинг соф даромади (кўпайиши ёки озайиши)га қараб, имтиёзли акция эгалари эса қатъий белгиланган ҳажмда дивидент оладилар. Фақат имтиёзли акция эгаларининг ҳиссадорлик жамияти фаолиятида қатнашишга ҳуқуқлари йўқ, қанча акциянгиз бўлса, шунга яраша овозга эга бўласиз.

МЕНЕЖЕР — инглизча сўз бўлиб «бошқариш» маъно-

сини билдиради. Менежер ишлаб чиқаришни тўғри ташкил қилиш орқали корхонанинг молиявий муваффақиятини, даромад олишини таъминлайди. У махсус тайёргарликдан ўтган, яъни менежерлар мактабида ўқиган, иқтисодий, маъмурий, ижтимоий бошқарув илмидан хабардор бўлиши лозим.

Эртага бозор муносабатлари қарор топгач, ҳақиқий менежерлар ишбилармон, уддабурон ва билимдон иш бошқарувчилар Ўзбекистонимизни иқтисодий жиҳатдан ривожлантира оладилар. Иқтисодий билимсиз, маркетингдан беҳабар ҳужалик юритувчи эса маҳсулотни бозорда сотолмай ўз корхонасига миллион-миллион сўмлаб зарар келтириверади.

• Туроб НИЁЗ

## ЧИН ФАРЗАНД БҲЛАМАН

(Ўқувчи қўшиғи)

Озод диёр, обод диёр Ва-  
таним,

Бағри бўстон, бағри  
бахор Ватаним.

Поёни йўқ қучоғида  
шодонман,

Қуёшдайин кулиб боқар  
Ватаним.

Широқ бобом, Темури  
бобом ёдимда,

Улар қони жўш уради  
қонимда.

Мен халқимга бўлай  
дейман чин фарзанд,

Ватан меҳри мангу яшар  
жонимда.

Аёло ўқи болам, — дейди  
дадамлар, —

Бахтин топар илм билан  
одамлар.

Китоб менинг энг  
қадрдон, чин дўстим,

Кўз олдимда сир очади  
оламлар.

Ҳали ёшман, ҳали кичик  
боламан,

Шамолларга дуч келма-  
ган лоламан,

Улғаяман соат сайин, кун  
сайин,

Келажакни ўз қўлимга  
оламан.



Самарқанд вилояти, Каттақурғон туманидаги 34-мактабнинг «Еш мусаввирлар» тугараги аъзолари ҳам мустақиллигимизнинг 4 йиллик байрамига атаб суратлар чизиб юборишибди. «Қадрдон қишлоғим узра истиқлол тонги отмоқда». Дилшод Йулдошев узи чизган суратини шундай номлабди.

Қадимни гоз тутиб айтаман бу кун,

Бор менинг ўз юртим, гурур, имоним.

Ватаним, қуёшинг сунмасин асло,

Мустақил яшайвер, Ўзбекистоним, — дея тулқинланиб

шеърини иншо битибди Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги С. Айний номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси Муслима Комилова.

Сизлар-чи, азиз болалар! Мустақиллигимизни, истиқлолни қандай тасаввур қиласиз? Юртимиз туйиға қандай тўна ҳозирладиғиз? Аёло ўқишингизми, фаоллигингизми, янгиликка, яхшилиқка интилувчанлигингизми? Шеър битиб, расм чиздингизми? Мактубларингизни кутиб қоламиз!

ЧҮЛПОНОЙ

## ИСТИҚЛОЛИМ — ИСТИҚБОЛИМ

Кучамизда бир нуруний отахон яшайдилар. Купинча дарвоза ёнида курси қўйиб, кун-кўшилар билан суҳбатлашиб утирадилар. Кейинги пайтларда отахон қамнамо бўлиб қолдилар. Суриштирсам, уларни мато туқийдиган дастгоҳ ясаб, атдас туқийдиган эмишлар. Набиралари Ҳусниддин, Қутбиддин, Муҳиддинлар ҳам боболарига шогирд тушиб, мато туқийшни урганишгаётган экан.

— Ҳорманг, отахон! — ҳол сураган булдим кунглига кул солиб.

— Ҳа энди, — дейдилар бо-бо салмоқланиб, — бекорчидан худо безор, дейдилар. Қолаверса, ҳа деган туяга малад. Ҳокимиятдан руҳсат олиб эрмак қилиб турибмиз-да.

— Гулдек хунарингиз бор экану қилмас экансиз-да.

— Мустақиллиқнинг мевасидан ургилай болам, — отахон шундай дея дуога кул олдилар.

Кексаларимиз Ўзбекистонимиз уз мустақиллигини, истиқлолни қўлга киритгани учун шукроналар айтсалар, сиз болажонлар ҳам бу сузларни қандайдир гурур, сурур билан тилга оласиз, узингизча тасаввур этасиз:

«Турт ешли болақайнинг қадам ташлашларини ҳеч кўзатганмисиз? Одимлари анча дадил, сузлари бурро. Мен мустақиллигимизни она қўлида туриб юксакларга талпинаётган маъсум, бегубор гулакка қиес-

лагим келади», — деб ёзади уз мактубида самарқандлик Зухра Қаҳҳорова. Наманганлик тенгдошингиз Мирҳалил Қушоқов эса мустақилликни жонажон диёримиз бошига қўнган бахт ва эзгулик рамзи — Хумо қўши тимсолида тасаввур этибди.



**ТОНГ ЮЛДУЗИ**  
Ўзбекистон болалари ва  
ўсмирларининг газетаси

Бош  
муҳаррир  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:  
Наримон ОРИФЖОНОВ,  
Феруза ЖАЛИЛОВА,  
Раҳима ШОМАНСУРОВА,  
Марат ШАФИЕВ,  
Сайриддин ХОЛОВ  
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва  
сахифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г 0350.  
11.000 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босишга топириш вақти 19.00  
Топирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
• Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
• Телефон:  
• 33-44-25